

**ХИТОЙ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ПАХТА ЕТИШТИРИШНИНГ
АВФЗАЛЛИКЛАРИ**

Шодиев Шухрат Бақоевич

ИСМИТИ Бухоро минтақавий марказ директори.

Ҳамроев Ғиёсжон Файзулло ўғли

т.ф.ф.д., (PhD) - Ғиждувон тумани 4-сон техникум масус фан ўқитувчиси.

ИСМИТИ ҳузуридаги Бухоро минтақавий маркази лабораторияси мудири.

Шарипов Армонбек Эргашович

ИСМИТИ ҳузуридаги Бухоро минтақавий маркази лабораторияси мудири,

*Бухоро давлат техника университети ўқитувчиси, Бухоро давлат университети
мустақил изланувчи.*

Ўринов Элдор Фазлиддин ўғли

ИСМИТИ Бухоро минтақавий маркази лаборатория мудири.

Аннотация: Мақолада Хитойнинг замонавий пахта етиштириш технологиялари асосида қатор самарали усуллар ва уларнинг афзалликлари таҳлил қилинган. Хитой технологиялари орқали ҳосилдорликни ошириш, сувдан самарали фойдаланиш, ерни тузланишдан ҳимоя қилиш ва ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш имкониятлари мавжудлиги таъкидланади. Шунингдек, замонавий техникалар ва автоматлаштирилган қурилмалар пахта парвариш жараёнида меҳнат харажатларини камайтириш ва иш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Мақоладаги таҳлиллар Хитой технологияларини маҳаллий шароитда жорий қилишнинг иқтисодий ва экологик самарадорлигини кўрсатади.

Калит сўзлар: хитой технологиялари, пахта етиштириш, ҳосилдорлик, сувни тежаш, автоматлаштириш, экологик самарадорлик.

Хитой технологияси асосида пахта етиштириш бўйича Ўзбекистонда бир қатор тажрибалар амалга оширилмоқда. Масалан, Сирдарё вилоятида 2023 йилда 3 минг гектар майдонга Хитой технологияси асосида чигит экилди. Бу усулда плёнка остига чигит экиш тажрибаси ўтган йили 406 гектар майдонда синовдан ўтказилган эди.

Бундан ташқари, Тошкент вилоятида Хитойнинг “Хинжианг Лихуа Групп Со., Лтд” компанияси билан ҳамкорликда 30 минг гектар ер майдонида юқори сифатли пахта навларини етиштириш ва пахта илмий-технологик марказини қуриш режалаштирилмоқда. Ушбу лойиҳа доирасида 300 миллион доллар миқдорида сармоя киритилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, Тошкент вилоятида “Ҳебеи Таиқиан Течнологй Со., Лтд” компанияси билан ҳамкорликда пахта экишда ўзига хос Хитой технологиясини жорий этиш бўйича музокаралар олиб борилмоқда. Бу жараёнда қишлоқ

хўжалигида зарур бўладиган ускуна ва техникалар, уруғ навларини Хитойдан келтириш, суғориш тизими ва экспорт қилиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинмоқда.

Сирдарёда Хитой технологияси асосида чигит экиш оммалаштирилади



“Поли тех Сирдарё” пахта-тўқимачилик кластерига қарашли дала майдонида “Хитой технологияси асосида чигит экишнинг афзалликлари” мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди. Унда секторлар раҳбарлари, мутахассислар, кластер ва фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Қишлоқ хўжалиги соҳаси, хусусан пахтачиликда илмга асосланиш, замонавий агротехнологияларни қўллаш, харажатни минималлаштириш ва даромадни кўпайтириш бугунги куннинг муҳим талаби. Шу нуқтаи назардан ўтган йилдан бошлаб Сирдарё туманида 406 гектар майдонда тажриба тариқасида Хитой технологияси асосида плёнка остига чигит экилди.

Мазкур агротехнологиянинг ўзига хослиги шундаки, чигит экиш, плёнка тўшаш ва томчилатиб суғориш учун шланг ётқизиш ишлари замонавий техника ёрдамида бир вақтнинг ўзида амалга оширилади. Бу эса фермерлар учун сезиларли даражадаги вақт ва маблағни тежаш имконини беради. Чигит ерга тушгандан 5-6 кундан сўнг, анъанавий усуллар билан таққослаганда эса тахминан беш кун олдин униб чиқади. Ҳосилдорлик 50 сентнердан ортади. Ушбу технология қўлланилаётган майдонларда чигит тўлиқ униб чиқиб, ривожланмоқда.

Ҳисоб-китобларга кўра, жорий йилда вилоят бўйича жами 3 минг гектар майдонга Хитой технологияси асосида чигит экилади. Келгуси мавсумда мазкур янги усулни янада оммалаштириш режалаштирилмоқда, шунингдек, экиш

жараёни ҳамда агротехник тадбирларда хитойлик агрономлар кластер ва фермер хўжаликларига кўмаклашади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, бундан кўзланган асосий мақсад, аввало, Сирдарёда пахтачилик соҳасини янги поғонага олиб чиқишдан иборат.

Сайхунободдаги тажриба майдонида уруғлик чигитлар Хитой технологияси асосида экилмоқда



Бугун мамлакатимизнинг баъзи ҳудудларида чигит экиш ишлари яқунланаётган бўлса, баъзи ҳудудларида қизғин паллага кирган. Ерни экишга тайёрлаш, сифатли уруғни танлаш ва илмий асосланган тавсиялар асосида уруғлик чигитларни ўз вақтида экиш юқори ҳосилдорликка эришишнинг дастлабки омилларидан бири ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбарининг “Пахтачиликда уруғчилик тизимини ривожлантириш ҳамда пахта ҳосилдорлигини оширишнинг қўшимча чоратадбирлари тўғрисида” ги қарорига асосан, пахтачиликда замонавий самарадор агротехнологияларни қўллаш мақсадида ҳар бир ҳудудда камида 500 гектар майдонда юқори агротехнологияларга асосланган тажриба майдонларини ташкил қилиш белгиланган.

Шу муносабат билан Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманида ҳам 1000 гектар майдонда Хитой технологияси асосида чигит экиш режалаштирилган бўлиб, айти пайтда ушбу ҳудудда бегона ўтларга қарши Стомп гербитсиди сепилиб, чигит экиш ишлари тизимли амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш керакки, чигит экишдан аввал тажриба майдонларидан дастлабки тупроқ таҳлилларини ўтказиш мақсадида намуналар олинди ҳамда ушбу намуналар асосида тупроқдаги микро элементлар миқдори аниқланди.

Хитой технологиясининг ўзига хослиги шундаки, чигит экиш, плёнка тўшаш ва томчилатиб суғориш учун шланг ётқизиш ишлари бир вақтнинг ўзида амалга оширилади. Бу эса фермерлар учун вақт ва маблағни тежаш имконини беради.

Ушбу тажрибалар Хитойнинг илғор технологиялари ва навларини Ўзбекистон шароитида синаб кўриш ва маҳаллийлаштиришга қаратилган бўлиб, пахта ҳосилдорлигини ошириш ва сифатини яхшилашга хизмат қилади.

Хитойлик ишбилармонлар пахта етиштириш кўламини ошироқда

Қашқадарё вилоятида хитойлик ишбилармонлар иштирокида кўплаб корхона ва заводлар фаолият юритмоқда. Кейинги йилларда вилоятда қишлоқ хўжалиги экинлари, жумладан, пахта етиштиришда ҳам хитойлик инвесторлар фаол иштирок этмоқда.

Хитойнинг “Хинжианг Лиухуа” компанияси ўтган йил вилоятнинг Косон туманидаги “Жарқум” ва “Майдаёбу” ҳудудларидан 7 минг 600 гектар майдонни ўзлаштириб, томчилатиб суғориш технологиялари асосида пахта етиштиришни бошлаган. Бу орқали “Тинчлик” МФЙнинг 200 дан зиёд ёшлари иш билан таъминлаган.

Хитойнинг қишлоқ хўжалик соҳасида 25 йиллик тажрибага эга “Фм ворлд” корхонаси ҳам вилоятнинг Миришкор туманидан “Қашқадарё ворлд агротеч” МЧЖ ҚК сифатида рўйхатдан ўтиб 1 минг 200 гектар майдонда иш бошлаган. Хитойликлар у ерда пахтанинг юқори ҳосилдор навини етиштиришни мўлжалламоқда.

Вилоят ҳокимлигидан олинган маълумотларга кўра, Хитойнинг “ЛИХУА Групп” корхонаси 300 миллион доллар инвестиция киритиб, вилоятнинг Косон, Миришкор, Кўкдала ва Нишон туманларида фойдаланишдан чиққан 20 минг 600 гектар ерда пахта етиштириш ва қайта ишлаш ташаббусини билдирган. Бунда кўшимча 130 минг тонна пахта етиштирилади ва 1,5 мингта иш ўрни яратилади. Инвестор пахта ҳосилдорлигини 2025 йилда 80, 2026 йилда 85 ва 2027 йилда 90 сентнерга етказишни режалаштирган.

Ўзбекистон – Хитой: Бухорода пахта етиштиришда чинликлар тажрибасидан фойдаланилади

Бухоро вилояти ҳокими Ботир Зарипов Хитой пахтачилик институтининг томчилатиб суғориш ва уруғ ишлаб чиқариш бўйича илмий ходимлари Жонг Бинг Шин, Ю Суэ Ке, Янг Жи Хуа ҳамда Жонг Вей Денгларни қабул қилди.

Мулоқотда Бухорода айнан Хитой тажрибаси асосида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, айниқса, Хитойнинг пахтачиликдаги илғор тажрибаларини оммалаштиришдаги ҳамкорлик масалалари хусусида сўз борди.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. F.O'. Jo'rayev, Sh.B. Shodiyev, G'.F.Hamroyev, A.E.Sharipov, I.F.Hamroyev. The structural scheme of the gear sprocket in plowing with a double-wound plug, the process of technological work and the results of laboratory testing // American Journal of Technology Advancement Vol.2, No.8 (Aug, 2025), – B. 30-35.

2. F.O'. Jo'rayev, Sh.B. Shodiyev, G'.F.Hamroyev, A.E.Sharipov, I.F.Hamroyev. Biosolvent preparatini shudgor vaqtida tuproqqa aralashtiruvchi texnikaning laboratoriya sinovlarini o'tkazish // ACADEMIC RESEARCH IN MODERN SCIENCE International scientific-online conference 2025. y. – B. 154-159.

3. F.O'. Jo'rayev, Sh.B. Shodiyev, G'.F.Hamroyev, A.E.Sharipov, I.F.Hamroyev, Z. H. Djurayeva. Substitution of the parameters of a geared roller for mixing biosolvent preparation into the soil during plowing // Международная конференция академических наук Том 4, № (10) 2025 y. – B. 67-71.

4. Juraev, F.U., Shodiyev, Sh.B., Khamroev, G.F., Juraev, J.T., Khamroev, I.F. Mathematical modeling formation of wole drainage under soil deformations E3S Web of Conferences, 2023, 419, 02005.